



АЛИШЕР НАВОЙИЙ ФАОЛИЯТИ ВА АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАНБАЛАРИ

Мамаджанова Гўзалхон Раимджановна

Наманган шаҳридаги 7-умумий
ўрта таълим мактабининг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси,

Халқ таълими аълочиси
(тел. сот. +998 93 678 55 65)

Ҳайдарова Гулжаҳон Абдуҳалил қизи

Наманган давлат университети
инглиз филологияси факультети
2-курс талабаси

(тел.сот.+998 91 180 28 02)

Аннотация.

Мазкур мақолада муаллифлар ўзбек халкининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш манбалари ҳақида мулоҳаза юритади ҳамда муносабат билдиради.

Қалит сўзлар:

мутафаккир, давлат арбоби, буюк санъаткор, энциклопедист, ҳомий, тараққиёт босқичи, навоийшунослик, муҳрдор, халқ оғзаки ижоди .

Аннотация.

В данной статье авторы размышляют об истории изучения деятельности и наследия великого поэта и мыслителя узбекского народа Алишера Навои.

Ключевые слова:

мыслитель, государственный деятель, великий художник, Энциклопедист, меценат, этап развития, навоеведения, печать, фольклор.

Annotation.

In this article, the authors reflect on the history of studying the activities and heritage of the great poet and thinker of the Uzbek people Alisher Navoi.

Keywords:

Thinker, statesman, great artist, encyclopedist, sponsor, stage of development, Navoi studies, seal, folklore.

Ўзбек халкининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак,

Пушкин ва Толстой, Рабиндранат Тагор ва Лу Син каби улкан сўз санъаткорларининг номи ва меросидек ўлмасдир.

Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро феодал урушларининг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У улуг инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъдодли энциклопедист олим бўлиб етишди, жуда қимматли асарлар яратди, даврнинг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди.

Навоийнинг ўзи **“Муҳокамат ул –луғатайн”** асарида: **“...Умидим улдирки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва бу ёзганларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай”**; - деб ёзган эди. Навоий янглишмади. Унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси ҳанузгача замон ва макон чегараларини билмай келяпти.

Алишер Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш узоқ ва мураккаб тарихга эга. Бу тарих XV асрнинг ўзидан, Навоий ҳаётлик даврида унинг замондошлари ёзган асарлардан бошланади. Беш асрдан зиёд вақт ичида Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш мураккаб тараққиёт босқичларини босиб ўтди.

Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда биринчи манба Навоийнинг ўз асарларидир. Навоийнинг деярли барча асарларида, хусусан, унинг **“Муншаот”**, **“Вақфия”**, **Хутбаи давонин**, **“Мажолисун-нафоис”**, **“Муҳокаматул-луғатайн”** каби асарларида унинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўп маълумотлар бор.

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда унинг замондошлари томонидан яратилган асарлар ҳам жуда қимматли манбадир. Булар Хондамирнинг **“Мақоримул-ахлоқ”** (**“Яхши хулқлар”**), **“Ҳабисус-сияр”** (**“Суюкли хислатлар”**), **“Хулосатул – ахбор”** (**“Воқеаларнинг хулосаси”**), Давлатшоҳ Сасарқандийнинг **“Тазкиратуш – шуаро”** (**“Шоирлар тазкираси”**) асарлари, Бобурнинг **“Бобурнома”**си, Восифийнинг **“Бадойиул-Вакое”** (**“Гўзал воқеалар”**), китоби ва бошқалар. Шу билан бирга, Абдурахмон Жомийнинг **“Юсуф ва Зулайхо”**, **“Хиродномаи Искандар”** ва **“Бахористон”** асарларида ҳамда бошқа муаллифларнинг китобларида Навоийнинг фаолияти ва ижодиётига доир муҳим маълумот, таъриф ва баҳолар берилган.

Навоий кейинги асрларда яратилган барча тазкиралардан, бир қатор тарих китоблари ва мемуарлардан ҳам кенг ўрин олади. Лутф Алибек Озарнинг **“Оташқада”**, Сом Мирзонинг **“Тухфаи Сомий”**, Ризоқулихон Ҳидоятнинг **“Мажмаул-фусахо”** (**“Гўзал сўз эгаларининг тўплами”**), Фахрий, Ҳиравийнинг **“Латофатнома”**, Мирзо Ҳайдар Дўғлатнинг **“Тарихи Рашидий”**, Абдулмўминхоннинг **“Томут-таворих”** (**“Тарихлар тугали”**) асарлари ва бошқа-бошқалар шулар жумласидандир. Бу асарларда, Навоий замондошларида бўлганидек, қимматли фактик материал ва объектив адабий-тарихий мулоҳазалар бор.

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда халқ оғзаки ижодида Навоий ҳақида яратилган асарлар ҳам аҳамиятлидир. Навоий ҳақида ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқларнинг оғзаки ижодиди кўпгина эртақ, афсона, ҳикоя ва латифалар яратилган. Уларда тарихий фактлар айнан баён қилинмаган бўлса ҳам, халқ тушунчасидаги Навоий образи яратилган. Навоийни самимий севган ва унинг асарларини ардоқлаган халқ уни доимо улуг инсон, донишманд ва тадбирли давлат арбоби, истеъдодли олим, заковатли шоир, бева-бечораларнинг манфаатларини ҳимоя қилган халқ фарзанди, сахий, олижаноб киши сифатида тасаввур қилган. У шу асосда Навоий образини яратиб, унинг ҳақида хилма-хил асарлар ижод этган.

Шу тарика Навоий халқ қахрамонига айланиб кетган. Агар кўпгина ёзма манбаларда Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги дўстлик алоқалари ортик даражада бўрттирилиб, уларининг ўртасидаги ихтилофлар ҳатто тилга олинмаган бўлса, халқ ижодида Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги ихтилофлар асосий масалалардан бири қилиб олинган. Халқ ижодида, бир томондан, Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги зиддиятларни маълум даражада тарихий ҳақиқатга мувофиқ равишда акс этирилса, иккинчи томондан, бу ихтилофлар аспектида, умуман, феодал жамиятдаги илғор кишилар билан реакцион-жоҳил кишилар ўртасидаги зиддиятлар тасвирланган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида **“Навоий ва йигит”**, **“Навоий ва қирқ вазир”**, **“Навоий ва Гули”** ҳамда **“Мирали ва Султон Суюн”** (**“Мир Алишер ва Султон Хусайн”**) циклидаги туркман ҳикоялари ва бошқалар Навоийнинг ўлмас образини тўлароқ тасаввур қилишга хизмат қилади.

Навоий ўзбек классик адабиётининг барча тараққиёт босқичларида устоз шоир ва халқнинг бениҳоя катта ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлган сўз санъаткори бўлиб қолди. Бу улуғ санъаткорнинг асарлари турли даврларнинг ҳаттотлари томонидан зўр эҳтиром ва муҳаббат билан кўчирилди, рассомларнинг нақш ва суратлари билан зийнатланди.

XIX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистонда босмаҳоналар пайдо бўлганидан кейин Навоийнинг **“Хамса”**, **“Чор девон”**, **“Вақфия”** ва бошқа асарлари ўқув қўлланмаси сифатида бир неча бор нашр этилди. Навоийнинг айрим асарлари ўқув қўлланма сифатида фойдаланилди, ғазаллари куйга солинди, ҳикматли сўзлари халқ мақолларига айланди. Барча тараққийпарвар ўзбек шоирлари Навоийдан таълим олдилар, унинг анъаналарини давом эттирдилар ва ривожлантирдилар. Навоий ижодини ўрганиш ҳеч тўхтаб қолмади. Аксинча, Ҳазоат ижоди ва фаолиятини ўрганиш шу қадар оммавий тус олдики, ҳатто Улуғ Ватан уруши даврида ҳам бу иш қизгин давом этди. “Совет Иттифоқига қарши бошланган уруш, - дейди профессор Е.Э. Бертельс **“Навоий”** монографиясида, - Навоий юбилейини мўлжалланганидек нишонлаш имконини бермади. Ленинградлик шарқшунослар қамал ҳалқасида қолдилар. Бироқ шу оғир шароитда ҳам иш қизгин давом этди. Мен 1941 йилнинг декабрида Навоий ижодига бағишланган ва даҳшатли бомбардировка ҳамда артиллерия отишмалари остида ўтган йиғилишда сўзга чиққан эдим. Гарчи йиғилиш бинонинг юқори қаватида ўтиб, у ер ҳаводан келаётган оғир зарбалар билан тебраниб турса ҳам, йиғилиш қатнашчиларидан бирон киши зални ташлаб чиқиб кетмади ва йиғилиш охирига етказилди ...”

Бугунга келиб Мир Алишер Навоий ҳақида юзлаб мақола ва китоблар ёзилган. Лекин ҳар бир қалб унинг ўлмас асарларни ўқиётиб, Навоийни ўзича, ўз тафаккур кучи етганича қабул қилади. Ҳазрат Навоий меросининг мангулигига нима сабаб экан? Бу саволга навоийшунос олим Е.Э.Бертельс шундай изох беради: **“Шоирлар бўладикки, бизни ўзларига таъзим қилиш билан бирга. Уни инсон сифатида буюк муҳаббат билан севишни ҳам биздан талаб қилади. Мир Алишер Навоий ана шундай улуғ инсон ва шоир эди”**.

Алишер Навоий турк дунёси адабиётининг энг машҳур вакили. Чунки ҳеч ким бу тил ва дабиётнинг равнақи учун унингдек хизмат қилган эмас.

Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Чунки ҳеч ким унга қадар бу тилда бунчалик **“кўп ва хўб”** (**Заҳириддин Муҳаммад Бобур**, **“Бобурнома”**) ёзмаган эди. Навоий барча туркий халқларнинг энг буюк шоиридир. Чунки у ўзини **“Хито(й)дан то Хуросон”** гача ёзилган туркий **“қавм”**ларнинг ўз шоири, деб билди. Уларни бир адабий тил байроғи остида бирлаштирди, **“якқалам”** қилди. Бу билан миллатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий равнақига буюк таъсир кўрсатди.

Навоий мероси тарихий-маърифий, шу билан бирга, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эгадир. Инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, осойишталик ва биродарлик учун кураш ғоясини ҳормай-толмай қуйлаган Навоий учинчи ренесанс остонасида турган Ўзбекистон халқи билан, тинчлик, халқлар дўстлиги, маъриқатпарварлик учун курашаётган барча тараққийпарвар кишилар билан ҳар доим биргадир, у мангу барҳаётдир.

Буюк шоир тақдир тақозоси билан Хуросонда, унинг пойтахти Ҳиротда яшаб ўтди. Қадим замонлардан, шу жумладан, Навоий яшаган даврдан буён ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр бир мамлакат бўлиб, бир тахт эгаси ихтиёрида келганлиги ва аҳолисининг асосий нуфузини турк халқлари ташкил этганлиги маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг тили Андижон шеvasи била “**рост**”(тўғри)лигини айтади. Бинобарин, биз қадим туркнинг энг муҳим бўғинини ташкил этган ва бугун ўзбек миллати бўлиб шаклланган Янги Ўзбекистон аҳли буюк Навоийнинг бевосита ворисларидирмиз. Навоийдек жаҳоний зотга авлодлик ва ворислик ҳисси ҳар бир ўзбекнинг қалбини ғурур ва ифтихор билан тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”. 1989.
3. Навоий замондошлари хотирасида. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.
4. М.Муродов. Навоийшунослар жасорати. Тошкент. ЎзССР “Фан” нашриёти. 1972.
5. Натан Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1976.
6. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1995.
7. Бегали Қосимов. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003.
8. Маънавият – қалбим қуёши. Маълумотнома. Тошкент. “Ўқитувчи”. 2008.